



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> December, 2024

## **ЮМШОҚ ТҮҚИМАЛАР САРКОМАСИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК ҲОЛАТИ**

Шералиева С.Ж.,

Полатова Д.Ш.

Тошкент давлат стоматология институти, Ташкент, Ўзбекистон

### **Тадқиқот мақсади:**

Ўзбекистонда юмшоқ түқималар саркомаси билан касалланишнинг клиник-эпидемиологик кўрсаткичларини ўрганиш ва эпидемиологик хавф худудларни аниқлаш.

### **Материал ва усуллар:**

Ўтказилган ушбу илмий ишимизда 2015-2023 йил давомида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази филиалларида рўйхатга олинган бирламчи касалланган 3527 нафар беморлар ретроспектив таҳлили ўтказилди. Унга қўра беморларнинг касалланишнинг «қўйпол» ва стандартлашган кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди. Ушбу bemorлардан аёллар 1870 (53%) нафарини, 1657 нафарини (47%) эса эркак кишилар ташкил этди. Беморларнинг ўртача ёш кўрсаткичи 51,4 ни ташкил этди.

### **Натижা:**

Текширувларга қўра, Республикаизда юмшоқ түқима саркомалари билан касалланишнинг «қўйпол» кўрсаткичлари 2015 йилда 1,3; 2016 ва 2017 йилларда 1,2; 2018 йилда 1,1; 2019 ва 2020 йилларда 1,2; 2021 йилда 1,6 ва 2022 йилда эса 1,7 ни ташкил этди. Юмшоқ түқима саркомалари билан касалланишнинг стандартлашган кўрсаткичлари 2015 йилда 1,6; 2016 йилда 1,16; 2017 йилда 1,36; 2018 йилда 1,1; 2019 , 2022 ва 2023 йилларда эса 1,3 ни кўрсатди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юмшоқ түқима саркомалари билан касалланиш кўрсаткичи охирги 3 йилда кескин ошганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса аҳолини онкологик касалликлар профилактикаси учун ўтказиладиган скрининг текширувларининг натижаси деб қараш мумкин.